



MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 08-Yanvar 2022
Ma'qullandi: 13- Yanvar 2022
Chop etildi: 18- Yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

*"Юксак маънавият-
енгилмас куч"*

Миллий ўзлигимизни англаш, юксак маънавиятимиз, унинг шаклланишига сабаб бўлган омилларни ўқувчи-ёшлар онгига синдириб боришда география фани имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида ўзбек миллатининг турмуш тарзи, юксак маънавиятини шаклланишида тарихий, ижтимоий омиллар билан бирга географик омилнинг ҳам ўрни борлиги таъкидланади. "Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати ва иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг

ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Холмуродова Зарина Тойировна¹

¹ Самарқанд шаҳар 14-ИДУМ география фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5885047>

ANNOTATSIYA

Миллий ўзлигимизни англаш, юксак маънавиятимиз, унинг шаклланишига сабаб бўлган омилларни ўқувчи-ёшлар онгига синдириб боришда география фани имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини энгил қилиб яшашини тақозо этиб келди"¹ –деб ёзади китоб муаллифи.

Шу маънода бугунги кунда география фанини замон талаблари даражасида ўқитиш, дарс сифати ва самарадорлигини янада ошириш, ўқувчилар қалбида фанга бўлган қизиқишини уйғотиш ҳар бир фан ўқитувчиси олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мавзуларга доир амалий машғулотлар, географик ўқув атласлари

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008, 9-бет.



ва хариталар билан ишлашни йўлга қўйиш, дарсдан ташқари тўгарак машғулотларини янада жонлантириш зарурдир. География фанини ўқитишда қўлланиладиган методлар, усуллар ва воситаларни дарс мавзуларига мос равишда танлай олиш, фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бирини амалиётга татбиқ этиш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларни уларнинг онгига сингдириш мақсадида дарс жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш талаб этмоқда.

Бугунги кунда география фанидан умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари қуйидаги мавзуларни ўзлаштиришда хатоликларга йўл қўйишмоқда:

- йўналиш азимути ва масофани аниқлашда;
- географик хариталарнинг турлари;
- харита масштабини аниқлаб топишда;
- ер пўсти ҳаракатлари бўлиб ўтган жойларини аниқлашда;
- материк ва океанларнинг пайдо бўлган даврларини;
- океан сувининг шўрлиги, ҳароратини аниқлашда;
- ҳаво ҳарорати ва босимини аниқлаб топишда;
- океан оқимларини ажратиб беришда;
- икки нуқта орасидаги масофани масштаб асосида аниқлаб топишда.

Ўқувчиларни география фанини замон талаблари даражасида ўқитиш ва ўрганишга бўлган қизиқиш ва интилишларини кучайтириш мақсадида

қуйидагилар алоҳида эътибор қаратиш лозим;

- ўқувчилар билимидаги ушбу бўшлиқларни тўлдириш учун ўқитувчиларга мавзулар юзасидан дарс давомида кўпроқ ўқувчиларни харита ва ўқув атласлари билан ишлашларини йўлга қўйиш;
- дарс жараёнида дарслик ҳамда география фанидан яратилган электрон дарсликлар, ўқув фильмлари, ўқув қўлланмалардан оқилона фойдаланиш;
- ўқувчиларни ўз ўлкасининг тарихи, табиий ва иқтисодий географияси, маданий ёдгорликлари, табиатини муҳофаза қилиш, маданий ва миллий меросимизни ўрганишларида *экологик таълим-тарбия бериш*, уларни табиатга бўлган меҳр-муҳаббатларини ошириш билан бирга, ўқувчиларни ўз устида ишлашга, бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига қаратилган, жойларда ташкил этилган “Ёш ўлкашунос”, “Ёш сайёҳ”, “Музейшунослик” тўгаракларини самарадорлигини ошириш;
- материклар, табиий географик ўлкаларнинг табиий харитасини ишлашни тўғри йўлга қўйиш, бунда рельеф шаклларини бўйлашда ўқитувчи ўқувчиларга ўқув атласида берилган баландлик шкалаларидан фойдаланиш йўллари тушунтириб, рангларни тўғри беришни (масалан: энг баланд тоғлар тўқ рангли жойларга, ранглар очлашиб борилган сари ер



юзининг паст қисмлари ёзилишини), дарёлар ва қўллар номларини ёзишда мавзулар юзасидан олган билим ва амалий кўникмаларига таяниб ишлашларини йўлга қўйиш керак.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда давлат таълим стандартига мос ҳолда география таълимини ривожлантириш борасида маълум даражада ишлар амалга оширилмоқда.

География фанининг ўқитилиши ўқувчиларни табиат қонуниятларини билиб олишга имкон беради, географик мазмундаги воқеалар устида ўйлашга ва географик муҳокама қилишга ўргатади. Ўқувчилар ўз ўлкасининг табиатини ва кишиларнинг хўжалик фаолиятини ўрганиш вақтида аниқ воқеликни билиб олишигина эмас, балки турмушда муҳим бўлган бир қанча зарур малакалар ҳам ҳосил қиладилар.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент.: Маънавият, 2008, 9-бет.
2. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Холмуродов Ш. Амалий география КХК учун ўқув қўлланма. – Тошкент.: ТДПУ, 2015.
3. Абдуллаев И.Х., Сейтджелилова Э.С. Амалий география фанини ўқитишда инновацион технологиялар. – Тошкент.: 2015
4. Низомова Ш. И. География фанини ўқитишда ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш имкониятлари // Современное образование (Узбекистан). 2018. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/geografiya-fanini-itishda-noananaviy-dars-usullaridan-foydalanish-imkoniyatlari>